

Oktabr, 2024-yil



KONFERENSIYA TO'PLAMI

**MILLIY TARAQQIYOT  
STRATEGIYASI: O'ZBEKISTONDA  
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH  
MASALALARI VA XALQARO  
TAJRIBALAR TAHLILI**

ilmiy-amaliy konferensiya



## ТЎХТАМАС ИСЛОҲОТЛАР ЁШЛАР КЕЛАЖАГИГА МУСТАҲКАМ ЗАМИН ҲОЗИРЛАЙДИ

**Муаллиф:** Сирожиддинов Шухрат Самариддинович<sup>1</sup>

**Аффилиация:** Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, академик<sup>1</sup>

**E-mail:** [shsirojiddinov1961@gmail.com](mailto:shsirojiddinov1961@gmail.com)<sup>1</sup>

**DOI:** <https://doi.org/10.5281/zenodo.13894944>

### АННОТАЦИЯ

Инсонга ўз сўзини айтиш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш ва бу орқали ўзини дунёга намоён қилиш имконияти асосан ёшлик даврида берилади. Шу боис ҳам унутилмас лаҳзаларнинг энг завқлиси ёшлик хотиралари билан боғлиқ бўлади. Айнан шунинг учун ҳам бу даврни бебаҳо бойлик, дея таърифлаймиз. Бугун юртимизда ислохотлар эпкини ҳар бир инсонинг ҳаётига кириб борди, ҳар бир ҳудудга янгича руҳ олиб кирди. Мана шундай буюк ўзгаришлар нафасини энг кўп ҳис қилган ҳам айнан ёшлар қатлами, десак, муболаға бўлмайди.

**Калит сўзлар:** ёшлар, келажак, ислохотлар, ёшлар дафтари, салоҳият.

Бежиз ислохотлар нафаси ёшлар ҳаётига кириб бораётгани, улар учун кенг имконият яратаётгани ҳақида сўз очмадик. Сўнгги йилларда юртимизда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйилди. Қувонарлиси, барча соҳаларда бўлгани каби ёшларга оид давлат сиёсатида ҳам тарихий ва оламшумул ўзгаришлар рўй берди. Ёшлар масаласи ислохотлар дастурининг энг биринчи ва устувор йўналиши этиб белгиланди. Эътиборлиси, ўтган қисқа даврда ушбу йўналишда 100 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, изчил амалга оширилмоқда. Янгиланган Конституциямизда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатлари аниқ моддалар билан муҳраб қўйилган. Бу ўз ўрнида соҳада ҳуқуқий базани янада кенгайтириш, амалий ишларни янги босқичга кўтариш имконини беради.

Соҳага доир таҳлилларга назар ташласак, амалга оширилган тадбирлар ёшларнинг кенг қатламига дахлдор экани, навқирон авлоднинг ҳаётда ўз ўрнини топиши учун муносиб шароит яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда касбга йўналтириш, бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар ўз самарасини бераётганини кўриш мумкин.

### Қалбларга қувонч, муаммоларга ечим

Маълумотларга кўра, «Ёшлар дафтари» тизими орқали сўнгги икки йилда 798 минг нафарга яқин ёшларга қарийб 1 триллион сўмлик ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, 53 минг нафар эҳтиёжманд оилага мансуб талабага ўқиш учун контракт пуллари тўлаб берилди. Бу шунчаки рақамлар эмас. Уларнинг ортида қанчадан



қанча оилага улашилган қувонч, йигит-қизларнинг муаммоларига топилган ечим, бартараф этилган ишсизлик яширин.

Айтиш жоиз, ёшларнинг таълим олиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, олий таълим муассасалари сони салкам уч марта кўпайиб, 210 тага, камров даражаси эса 9 фоиздан 38 фоизга етди. Бундан англашиладики, замонавий илм ва касб соҳаларини эгаллашда ўғил-қизларимиз учун янги имкониятлар очилмоқда. Бу каби чора-тадбирлар натижаси ўлароқ ўзбекистонлик ўқувчилар ўтган 2023 йилда фан олимпиадаларида 7 та олтин, 36 та кумуш ва 38 та бронза медалини қўлга киритди. Ўтган даврлар билан таққослаганда бу катта кўрсаткич.

Ёшларнинг билими, салоҳияти, иштиёқи ва янгиликка интилувчанлиги ҳар бир давлатнинг келажаги, унинг тараққиётини белгиловчи муҳим омиллардан саналади. Юртимизда келажак ворисларининг муносиб таълим-тарбия олиши, касб-хунар эгаллаши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши, ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлиши йўлида олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.

Таъкидлаш жоиз, навқирон авлод салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, чекка ҳудудлардаги ёшларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш, уларни қийнаётган муаммоларни аниқлаб, бартараф этиш, умуман олганда ҳар бир ёшнинг қалбига кириб бориш масалалари биринчилар қаторига ўтди. 2022 йил 19 январдан маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозими жорий этилиши натижасида ёшлар тўғрисидаги зарур маълумотларни «Ёшлар дафтари» ва «Ёшлар портали» электрон платформаларига киритиб бориш йўлга қўйилди. Энди ҳар бир ёш, у қанчалик олис масофада, чекка ҳудудда, муаммолар қуршовида бўлмасин, албатта уни эшитадиган, керак вақтда тиргак, керак вақтда дўст бўла оладиган таянчи борлигига ишонади.

### **Истиқболли ташаббусларга кенг йўл очилди**

Маҳалла — энг қуйи бўғин. Энди мулоҳаза қилинг, ҳар бир навқирон авлод вакили билан алоҳида ишлаш тизими мана шу қуйи бўғинда ташкил қилинди. Бу бежиз эмас. Айнан мана шу сиёсат ўғил-қизларнинг орзу-мақсадлари, истиқболли ташаббусларига кенг йўл очилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Авваллари имконияти етмагани боис, ўзи истаган касб-хунарни эгаллаши учун ўқиёлмаган, ёки бирор фаолият билан шуғулланиш қўлидан келгани ҳолда мавсумий ишларда, чет элда қийинчиликларни бошдан ўтказиб юрганларнинг кўксига шамол тегди. Фикримиз исботи сифатида рақамларга мурожаат қилсак, «Ёшлар дафтари» жамғармалари маблағининг камида 40 фоизи айнан касб-хунарга ўқитишга йўналтирилади. Ушбу дафтар орқали тақдим этиладиган ижтимоий-иқтисодий хизмат турлари 2023-2024 йилларда 1,5 баробаргача оширилади. Бу кўплаб иш ўринлари дегани, доимий даромадга эга бўлмасдан қийин аҳволга тушиб қолганларнинг ҳам «кўчасида байрам бўлди», дегани.

### **Кечаги иш изловчи бугун иш берувчига айланди**

Охирги уч йилнинг ўзида 250 минг нафар ёшга 6 триллион сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилди. Мамлакатимиз бўйича 210 та «Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари» ташкил этилиб, 4 триллион сўмлик 2,5 мингта лойиҳа

амалга оширилди. Натижада, ёш тадбиркорлар сони 2 карра кўпайиб, 200 мингдан ошди. Бир ўйлаб кўринг, қанчалик қувонарли ҳол: кеча иш излаб юрган ёшларимиз имкон ва имтиёз сабаб бугун ўзлари ҳам иш берувчи тадбиркорга айланмоқда. Қаерда иш бор экан, бу мавсумда тайинли даромад эгаллай олармикинман, деган ташвиш билан тонг орттирадиганларнинг ташаббус ва бизнес лойиҳалари амалга татбиқ этилиб, даромад манбаига эга бўляпти. Бугун улар иш изловчи эмас, иш берувчи. Ҳар бир ёшнинг келажаги учун замин яратиш, уларнинг муаммоларини бартараф этиш, касб-ҳунар эгаллашига кўмаклашиш нафақат аҳолининг ижтимоий ҳаёти яхшиланиши, балки мамлакат истиқболи порлоқ, келажаги ишончли кўлларда бўлишини ҳам англатади.

Ёшлар — инновациялар, ғоя ва ечимларнинг битмас-туганмас манбаи. Демак, ёшлар фаоллиги ҳар жабҳада муҳим. Жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи асосий кучнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши бўлиб, бу йўлда улкан ишлар амалга оширилаётганига гувоҳмиз. Жумладан, ўтган олти йилнинг ўзида ёшлар ҳаётига бевосита тааллуқли бўлган 106 та меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилингани ҳам фикримизни яққол тасдиқлаб турибди.

Президентимизнинг 2022 йил 19 январдаги қарори билан маҳаллаларда ёшлар мурожаатларини кўриб чиқиш муддати 30 кундан 5 кунга, ёрдам кўрсатиш 40 кундан 16 кунга қисқартирилишига эришилди. 14-30 ёшдаги 9,1 миллион йигит-қизнинг ижтимоий ҳолати, бандлиги ва саломатлиги билан боғлиқ маълумотлар жамланиб, «Ёшлар баланси» шакллантирилди. Айнан ёшлар етакчилари тавсияси асосида кўрсатиладиган ёрдам турлари эса 11 тадан 25 тага етказилди. Санайверсак, мақтанадиган жиҳатлар кўп. Мазкур қатламнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаши, халқаро майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахс сифатида намоён бўлиши учун, ҳақиқатдан, салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифаси барчамизнинг кундалик фаолиятимиз мезонига айланди. Оқилона давлат сиёсати мана шуни барча масъулларнинг кун тартибига айлантирди.

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясида ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг оммалаштириш ва бизнес билан шуғулланишга кўшимча имкониятларни яратишга ҳам катта эътибор қаратилган. Жорий йилда Оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитларнинг камида 40 фоизи ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилиши фикримиз исботи. Қолаверса, 1 июндан бошлаб ногиронлиги бўлган ёш тадбиркорларнинг лойиҳа ва ғояларига алоҳида эътибор қаратиладиган «Ёш тадбиркор» танловларини ўтказиш амалиёти йўлга қўйилади. Аслида, мазкур танлов ҳам катта имконият дегани. Боиси саралашдан ўтган ҳар бир лойиҳага базавий ҳисоблаш миқдорининг 1 000 бараваригача миқдордаги имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланган. Яна бир устун томони ғолиб бўлган бизнес лойиҳа ва ғоялар эгалари хорижий давлатларга малака оширишга юборилади.

## Ҳар бир инсон салоҳиятини юзага чиқариш — муҳим масала

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясини «Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги Президент фармонида 2024 йил 1 мартдан бошлаб алоҳида ишлаш талаб этиладиган, шунингдек, истеъдодли ва иқтидорли ёшлар вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда олий таълим ташкилотлари раҳбарларига бириктирилиши белгилаб қўйилган. Раҳбарлар ҳар ойда камида бир маротаба ўзларига бириктирилган ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва салоҳиятини юзага чиқариш, уларни талаб юқори бўлган касб-ҳунарга ўқитиш орқали бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, шунингдек, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга ҳар томонлама кўмаклашиб боради. Мана шу ёндашувнинг ўзи ҳам ёшлар масаласи давлатимиз сиёсатининг муҳим жиҳати эканини кўрсатади.

### Орзуларга қувват

Бугун дунё саҳнасида Янги Ўзбекистон деган ном янграмоқда. У ўзининг бор бўй-бастини интеллектуал ёшлар тимсолида кўрсатяпти. Давлатимиз том маънода тараққиётнинг янги босқичига чиқаётганига гувоҳимиз. Кенг кўламли ислоҳот ва янгиланишлар нафақат мамлакатимиз, балки минтақамизда ҳам ҳамкорлик ҳамда барқарорлик руҳияти шаклланишига сабаб бўляпти. Бундай ўзгариш ва янгиланишлар даврида ёшлар маънавияти, дунёқараши, ижтимоий-иқтисодий ҳолати, кайфиятини ўрганиш, орзу-умидларига қувват бериш давлат сиёсатидаги муҳим вазифалар қаторига киради. Зеро, ёш авлод ҳар қандай мамлакат истиқболини белгиладиган улкан стратегик қудратдир. Шу боис, Ўзбекистондаги ёшлар сиёсати кўплаб давлатлар учун андоза бўлмоқда, десак муболаға бўлмайди.

Муҳим жиҳати, Стратегияда белгиланишича, эндиликда ёшларнинг салоҳияти, истеъдоди ва ташаббусларини тўлақонли рўёбга чиқариш мақсадида «Беш ташаббус олимпиадаси» доирасида: маҳалла, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар тизимида мукофот жамғармаси 600 миллион сўм миқдориди хорижий тиллар («Ибрат фарзандлари») бўйича танловлар, киберспорт мусобақалари ва «Заковат» интеллектуал ўйинлари юқори савияда ташкил этилади. Бу ҳам ўз ўрнида иқтидор эгаларига катта куч бағишлайди. Мен жуда кўплаб давлатлар таълимини кузатганман. Ёшларни ўзи эгаллаган билими учун пул билан мукофотлаш камдан кам кузатиладиган ҳолат.

Хужжатга кўра, жорий йилдан бошлаб, «Ёшлар дафтари» жамғармаси маблағлари ёшларни чет тиллари ва касб-ҳунарга ўқитиш мақсадларига ҳам йўналтирила бошлади. Ёш хотин-қизларни тадбиркорлик, маркетинг, график-дизайн каби замонавий касбларга ўргатиш учун «Қизлар академияси» платформаси ишга туширилиши ва бу орқали ёш хотин-қизлар учун турли танлов, лойиҳалар, ўқув оромгоҳлари, стажировкалар ташкил этилиши, албатта катта самара беради.

«Ўзбекистон – 2030» стратегиясида ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида қатор вазифалар ўз аксини топган. Бугун бизга билими мустаҳкам, ўз соҳасида янгиликлар ярата оладиган, ўзгаришларни қўллаб-қувватлайдиган кадрлар керак. Айнан шунинг учун ҳам стратегиясида ёшларнинг замонавий касблар билан

машғул бўлишини таъминлаш учун ҳар бир вилоятда 1 тадан «Креатив парк»лар фаолиятини ташкил этиш, уларга йилига камида 40 минг нафар ёшларни жалб қилиш мақсад этиб белгиланган.

Кунда, кун ора мактаб ўқувчиларининг бир неча хорижий олий ўқув юр்தларига киргани ёки муддатидан олдин талаба бўлгани ҳақидаги хабарларни тез-тез ўқиб ёки эшитиб қоляпмиз.уларга ҳавасимиз келади. Таълим тизимидаги ислоҳотлар изчил давом этаётгани боис ҳам ёшлар шундай катта марраларни забт этипти. Янада ҳавасимизни орттирадиган жиҳат — «Ўзбекистон – 2030» стратегияси доирасида ушбу йўналишдаги ислоҳотлар янада бардавом бўлиб, ўз натижасини беради. Демак, навқирон авлодни бундан-да катта марралар кутяпти. Юқори марралар ҳақида ишонч билан таъкидлашимизнинг сабаби шундаки, Стратегияда ҳар йили 500 нафар истеъдодли ёшларни хорижнинг нуфузли олий ўқув юр்தларига ўқишга юбориш ҳамда мактаб битирувчиларининг камида 2 та хорижий тил ва 1 та касб эгаллашини таъминлаш белгилаб қўйилган.

Бир нарсани таъкидлашни истар эдим: юртимизда олиб борилаётган ёшларга доир давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари нафақат юр்தдошларимизда, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Бу баландпарвоз гаплар эмас. Ўзбекистон 2018 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Ёшлар кенгашига, 2020 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатларнинг Ёшлар ишлари бўйича кенгашига аъзо бўлган бўлса, 2021 йилда эса Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгашнинг Ёшлар бўйича кенгашига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди. Мана шу маълумотларнинг ўзи, фикримиз исботи.

Сўнгсўз ўрнида айтадиган бўлсак, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, сифатли таълим-тарбия олиши учун мустаҳкам асослар яратиш, истеъдодини қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш борасидаги чоратадбирлар ўз самарасини бермоқда. Яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланаётган юксак билимли, замонавий фикрлайдиган, қатъий позицияга эга ёшлар мамлакатнинг бугунги ва эртанги тараққиётида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бормоқда.

